O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 19 апрел пайшанба

Сотувда эркин нархда № 77 (2639)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 апрел куни Оқсаройда "Бритиш Американ Тобако" компанияси директорлар кенгаши раиси Мартин Броутон ҳамда ушбу компания билан ҳамкорликда тузилган "Бритиш Американ Тобако — Ўзбекистон" қўшма корхонаси бош директори Рене Айзельстайнни қабул қилди.

Мазкур қўшма корхона 1994 йили, Ўзбекистон тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасини хусусийлаштириш жараёнида ташкил этилган. Қўшма корхонанинг ташкил этилиши Тошкентдаги сигарет фабрикаси ва Ургутдаги ферментлаш заводини таъмирлаш имконини берди. 1997 йили эса Самарқандда янги сигарет фабрикаси ишга туширилди. "Бритиш Американ Тобако — Ўзбекистон" "Хон", "Хон лайтс", "Карвон" маркали сигаретлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу маҳсулотлар ҳозир мамлакатимиз тамаки бозорининг 45 фоизини эгаллаган. Шунингдек, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларига "Ҳолливуд" маркали сигарет экспорт қилинмоқда. Ўтган йилги экспорт 19 миллион АҚШ долларини ташкил этди.



"Бритиш Американ Тобако"нинг бугунгача Ўзбекистонга киритган сармояси 292 миллион АҚШ долларига етди. У билан тузилган қўшма корхона ўз фаолиятини такомиллаштириш — кадрлар малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш билан шуғулланибгина қолмай, мамлакатимиз ижтимоий соҳаси ривожига ҳам ҳисса қўшиб келмоқда. "Чекмасдан ёшлик гаштини сур" мавзуидаги лойиҳалар амалга оширилди, турли спорт мусобақалари, маданий тадбирлар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Умуман, ижтимоий соҳага киритилган сармоя 1,3 миллион АҚШ долларига етди.

М.Броутон 1999-2000 йилларда ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва мамлакатимиз ҳукуматига қўшма корхонани ривожлантириш борасидаги таклиф ва мулоҳазаларини билдириш учун Тошкентга келган. У Президент Ислом Каримов билан учрашгунга қадар Ўзбекистон ҳукумати вакиллари билан ҳам музокара ўтказди.

Оқсаройдаги қабул чоғида Ислом Каримов меҳмон билан "Бритиш Американ Тобако — Ўзбекистон" фаолияти, истиқболдаги режалари хусусида суҳбатлашди.

**(ЎзА).**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти**
**Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида" 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонига мувофиқ ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳолига кўрсатиладиган коммунал хизматлар сифатини ошириш, коммунал хизматлар ҳақининг тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан коллектив масъулиятни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

тасдиқланган жадвалларга мувофиқ уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этилишига кўра уй-жойлардан фойдаланиш бошқармалари ва ташкилотларини тугатсинлар ёки уларни уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартномалар бўйича уй-жойларга хизмат кўрсатувчи хусусий ва бошқа нодавлат пудрат ташкилотларига айлантирсинлар;

уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил этишнинг тасдиқланган жадваллари амалга оширилишини таъминлаш учун 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уй-жойларни даставвал мукаммал таъмирлаш чора-тадбирларини кўрсинлар, таъмирлашни маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига маблағ билан таъминласинлар;

уй-жой мулкдорлари ширкатларини омборхоналар ва хўжалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган турар жойга мўлжалланмаган бинолар, шунингдек моддий-техника ресурслари ва жиҳозлар билан таъминлашга кўмаклашсинлар;

икки ой муддатда фаолият кўрсатаётган ҳар бир уй-жой мулкдорлари ширкати ер участкаси чегараларини белгиласинлар ва уларга белгиланган тартибда участкадан фойдаланиш ҳуқуқи юзасидан давлат далолатномаси берсинлар. Белгилаб қўйилсинки, янги ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатларига ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи юзасидан давлат далолатномаси улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин икки ой мобайнида берилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2001 йил мобайнида шаҳардаги туманлар коммунал-фойдаланиш бошқармаларини тугатсин ва улар негизида уй-жой мулкдорлари ширкатларига, корхоналар ва ташкилотларга шартнома асосида хизмат кўрсатувчи хўжалик ҳисобидаги аварияни тиклаш хизматлари ташкил этсин.

2. Белгилансинки:

янгидан ташкил этилаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари рўйхатдан ўтказилаётганда ва ҳисобга қўйилаётганда белгиланган йиғимлар ва тўловлардан озод этиладилар;

**(Давоми 2-бетда).**

*Долзарб мавзу*

## Оқсилнинг йўли тўсилмоқда

Жиззах вилояти Шимолдан Қозоғистон, Жанубдан Тожикистон билан чегарадош. Шу боис, бир қатор Ғарб давлатларида кенг тарқалган, шунингдек, Марказий Осиёнинг мамлакатимиз билан чегарадош республикаларида бир неча бор қайд этилган оқсил касаллиги жиззахликларни ҳам жиддий чора-тадбирлар кўришга даъват этмоқда.

— Вилоятимизда эпизоотия, яъни ҳайвонларда юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига қарши кураш самарали ўтказилишини назорат қилувчи махсус ишчи гуруҳи тузилган,— дейди Жиззах вилоят Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Нурпўлат Тўрабоев. — Ишчи гуруҳи бу борада амалга оширилаётган ишларни мунтазам таҳлил қилиб бормоқда. Бундан ташқари, вилоятда 7 та назорат пости фаолият кўрсатяпти. Уларнинг иккитаси Тожикистон билан чегарадош Янгиобод туманида ва биттаси Навоий вилояти билан чегарадош Фориш тумани ҳудудида жойлаштирилган.

Бу назорат постларида дезобарьерлар ўрнатилган бўлиб, чегарадан ўтаётган ҳар бир киши, транспорт воситалари касаллик вирусини ўзи билан илаштириб олиб кирмаслиги учун дезинфекция қилинмоқда. Чорва моллари, гўшт ва сут маҳсулотлари олиб кириш тақиқланган. Оқсил касаллигига қарши олиб борилаётган тезкор тадбирларда бошқарманинг 157 нафар мутахассиси 35 гуруҳга бўлиниб иш олиб бормоқда. Шу пайтгача 165 минг доза вакцинадан унумли фойдаланиб, 117 минг бош қорамол, 42 минг бош ушоқ мол эмланди.

Шунингдек, аҳоли ўртасида оқсил касаллиги ва унинг вилоятимиз ҳудудига кириб келмаслиги учун нималарга эътибор бериш зарурлиги тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боряпмиз.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## «Давр ва замонавий қаҳрамон»

18 апрел куни Миллий матбуот марказида "Давр ва замонавий қаҳрамон" мавзуига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди. Унда адиб ва шоирлар, санъаткор ва рассомлар, ҳайкалтарош ва режиссёрлар — бадиий ижод соҳасининг таниқли намояндалари иштирок этди. Анжуманни Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов бошқарди.

Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов бугунги кунда адабиётимиз ва санъатимиз олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Ҳаёт тажрибаси, тарих сабоқлари шундан далолат берадики, "Давр ва замонавий қаҳрамон" масаласи ҳамма замонларда ҳам долзарб бўлиб келган. Чунки адабиёт ва санъат ҳамма вақт ҳаётдан идеал излаган, ибрат ахтарган. Бу масала бугунги янгиланишлар ва буюк ўзгаришлар жараёнида бизнинг адабиётимиз ва санъатимиз олдида ҳам муҳим вазифа бўлиб турибди.

Президентимиз ўз чиқишларида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартиришга муносиб ҳисса қўшаётган, ўзининг самарали меҳнати, илм-фан, ижод, санъат ва спортда қўлга киритаётган ютуқлари билан бошқаларга ибрат бўлаётган, Ватанимиз ҳимояси, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юрт тинчлигини таъминлашда жонини ҳам аямайдиган юртдошларимизнинг мардона чеҳрасини, фидойи инсонларимизнинг бадиий сиймосини акс эттирадиган асарлар яратишга барча ижодкорларни даъват этган эди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида юртимизда улкан ўзгаришлар юз берди. Буларнинг барчаси одамлар қалби ва онгида қанчадан-қанча ҳиссийтуйғулар, фикр ва мулоҳазалар уйғотмоқда, янгича эътиқод ва дунёқарашни шакллантирмоқда, янги одамларни тарбияламоқда. Шу боис, бугун Ватанимиз, халқимиз ижод аҳлидан замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин тасвирлайдиган бадиий мукаммал асарларни кутмоқда.

Анжуманда давлатимизнинг бадиий ижод соҳасига кўрсатаётган ғамхўрлиги алоҳида таъкидланди. Бу ижодкорларимизни халқимиз ва миллатимизга ибрат бўладиган, ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларимизга сафарбар этадиган яхши асарлар, юксак маънавият дурдоналарини яратишга руҳлантиради. Шу маънода, адабиёт ва санъат ривожи учун кўрсатилаётган ғамхўрлик, катта эътибор ижод аҳли томонидан эзгу ишлар учун берилган ўзига хос ижтимоий буюртма деб қабул қилинмоғи даркор.

Мажлис иштирокчилари бадиий ижод соҳасидаги бугунги ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, айни пайтда адабиёт ва санъат асарларининг ижтимоий салмоғи ва бадиийлик мезонлари эътибордан четда қолаётганини ҳам алоҳида уқтириб ўтдилар. Айниқса, бу масаланинг янги даврга мос назарий асослари ишлаб чиқилмагани, янги пайдо бўлаётган асарларни холисона ва асосли тарзда таҳлил этадиган ва баҳолайдиган бадиий кенгашлар, муҳаррирлар, санъатшунослар, ижодий жамоатчилигимиз бу борада лоқайдликка йўл қўяётгани қайд этиб ўтилди, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикрлар баён қилинди.

Қизғин баҳс-мунозаралар руҳида ўтган анжуманда Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, Бастакорлар уюшмаси раиси Р.Абдуллаев, Маннон Уйғур номидаги Санъат институти кафедра мудири Т.Исломов, санъатшунослик фанлари доктори Ҳ.Акбаров, публицист С.Ҳакимов, адабиётшунос Ш.Ризаев, Ўзбекистон халқ рассоми А.Мирзаев каби таниқли ижодкорлар замонамиз қаҳрамонларининг ёрқин бадиий тимсолларини яратиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**(ЎзА).**

## Шу куннинг муҳим вазифаси

Жиззах вилояти ҳокимлигида пахта ва ғалла парваришини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.

Таъкидланганидек, вилоят деҳқонлари бу йил ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Ғаллакорлар экинни бегона ўтдан тозалаш, озиқлантириш ва суғориш ишларига зўр бермоқдалар. Пахтакорлар эса чигит экишни ниҳоясига етказишмоқда. Бугунгача 108,5 минг гектар майдонга барака уруғи қадалди. Биринчи марта 5 минг гектардан зиёд майдонга чигит плёнка остига экилди.

Шу билан бирга, чигит бир текис униб чиқмаган майдонларга алоҳида эътибор бериш, ҳамма жойда тўлиқ гектарлар ҳосил қилишга эришиш, қатор ораларига ишлов беришни жадаллаштириш шу куннинг долзарб вазифаси эканлиги таъкидланди. Бу борада биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев қатнашди.

**(ЎзА).**

## Сиёсий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўлида

Мамлакатимиз Давлат божхона қўмитаси томонидан сўнгги вақтларда амалга оширилаётган ишлар бу тизим фаолияти тобора яхшиланиб бораётганидан дарак беради. Хусусан, мазкур ташкилот томонидан Ўзбекистоннинг сиёсий-иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, чегараларда божхона назоратини кучайтириш, товар-моддий бойликлар, маҳсулотларни ноқонуний равишда четга ташиб кетиш ва олиб киришнинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, божхона тўловларидан тушадиган маблағ давлат бюджетини тўлдиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида божхоначиларимиз 24,8 миллиард сўм миқдорида божхона тўловлари ундирди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз йўлларидан хорижий мамлакатларга тегишли автомобилларнинг қатнови тобора ўсиб бормоқда. Бу эса бюджетга тушадиган валюта миқдори ортишига олиб келяпти. Ўтган уч ой ичида улардан 794 минг АҚШ доллари миқдорида божхона тўловлари ундирилди.

Ўзбекистоң бозорида нарх-навонинг арзонлиги ва маҳсулотлар сероблигидан баъзи "учарлар" фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса божхона ходимларини янада ҳушёррок бўлишга, ишни замонавий талаблар асосида ташкил этишга ундаяпти. Улар халқимизнинг ҳалол луқмасига кўз олайтираётган бу каби сохта ишбилармонларнинг йўлига жиддий тўсиқ қўймоқда. Ўтган вақт мобайнида божхоначилар ўнлаб шундай қонунбузарликнинг олдини олди. Чегараларимиздан ноқонуний равишда ёки божхона қоидаларини бузган ҳолда олиб ўтишга уринилган 2,7 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди.

**(Давоми 2-бетда).**




### КЕЧА

Қашқадарё вилоят саломатлик маркази Ўзбекистон очиқ жамият институтининг грантини олишга муваффақ бўлган эди. Ана шу боис «Она ва бола» скрининг марказида 28 кунлик семинар иш бошлади. Бу ерда шу вақт мобайнида вилоятнинг 7 туманидаги 700 нафар ёш онага ўткир юқумли ичак касалликлари пайдо бўлганда чақалоққа биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, аёл ҳуқуқи ва шунга ўхшаш бошқа масалалар хусусида сабоқ берилади.

* * *



**БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари Суриянинг радар мосламасини бомбардимон қилганлигини яна бир бор қоралади. Айни пайтда Ғазо сектори ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида тўқнашувлар давом этмоқда. Икки ўртадаги ихтилофлар эса ўз ечимини кутмоқда.**

* * *

**Пекинда Хитой ва АҚШ мулозимлари ўртасида Америка айғоқчи самолётларини Хайнан оролидан қайтарилиши борасида мулоқотлар бўлиб ўтди.**

### БУГУН

Урганчда «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ўрни» мавзуида минтақавий анжуман бўлиб ўтади.

* * *

Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил топган кун.

* * *

**Перуда бир вақтнинг ўзида қатор расмийлар, жумладан, ички ишлар вазири Перу Армандо, армия бош қўмондони Карлос Тафур, ҳарбий-ҳаво кучлари раҳбари Пабло Карбонслар истеъфога чиққанлиги сабабли президент Валентин Панагуа уларсиз фаолият кўрсатади. Перу собиқ президенти Альберт Фухимори билан ушбу ҳукумат аъзоларининг жуда ҳам яқин бўлганлиги ўз курсиларидан ажралишига сабаб бўлган.**

* * *

**Хитой фойдасига айғоқчиликда айбланаётган красноярсклик рус физик олими Валентин Даниловнинг сўроқ қилиниши давом этади. Россия махсус хизмати мулозимларининг айтишича, у ХХР махфий хизматига давлат сирларини, шунингдек, ўта сир тутилиши зарур бўлган космик технологияларга оид маълумотларни етказиб турган.**

### ЭРТАГА

Республика Бадиий академияси кўргазмалар залида «Осиё заргарлик буюмлари» халқаро кўргазмаси ўз ишини бошлайди. Тўрт кун давом этадиган ушбу кўргазмада «XXI асрнинг энг сара зебзийнатлари» танлови ва заргарлик буюмлари намойиши ўтказилади.



ЭКОСАН халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан ушбу академияда «Инсон ва Ер» мавзуидаги расмлар кўргазмаси очилади.

* * *

**Нью-Йорк биржасида бир баррел «қора олтин» баҳоси кескин кўтарилиб, 29 АҚШ долларидан ошиш эҳтимоли кутилмоқда. Буюк Британиядаги «Коноко» корпорациясининг нефтни қайта ишлаш корхонасида юз берган портлаш бунга сабаб бўлаётир.**

*Дарвоқе...*

### Университетда марказ

Қарши давлат университетида Конституцияни ўрганиш маркази ташкил этилди. Унда Асосий Қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи адабиётлар, кўргазмали воситалар, шунингдек, ҳуқуқ ва тарғибот бурчаги ташкил этилди.

### Меҳнат бозори

Когон шаҳар ҳокимлиги меҳнат бўлимининг ташаббуси билан меҳнат бозори ярмаркаси ўтказилди. Меҳнат бозорида 55 та корхона ва ташкилот 103 та ишчи ўрни билан иштирок этди. 96 нафар иш сўраб мурожаат қилганларнинг 62 таси ишга жойлашишига далолатнома берилди.

### Маърифатчилар машварати

Фарғонага республикамиз «Маънавият ва маърифат» маркази фаоллари ташриф буюриб, вилоятда маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

# Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

уй-жой мулкдорлари ширкатлари балансида бўлган турар жойга мўлжалланмаган биноларни ва бошқа мол-мулкни ижарага беришдан, шунингдек уй-жой мулкдорлари ширкатларига тегишли бўлган ҳудуддаги якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар эгаларидан фойдаланиш харажатлари учун тушадиган маблағлар, улардан кейинчалик айланма маблағларни тўлдиришда, уй-жойни мукаммал тузатиш учун моддий-техника ресурслари заҳирасини яратишда фойдаланиш учун ширкатларнинг депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади.

3. Тижорат банкларига уй-жой мулкдорлари ширкатларига жорий ва мукаммал таъмирлашни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техника ресурслари, асбоб-анжомлар ва жиҳозлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ваТошкент шаҳар ҳокимликлари кафиллиги остида имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин.

4. Мамлакатнинг барча ҳудуди учун коммунал хизматлар тариф сиёсатининг ягона принципларини жорий этиш мақсадида "Ўзкоммунхизмат" агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда — коммунал хизматларга тарифларни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш методикасини қайта ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

2002 йил 1 январгача — бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда газ, сув, иссиқлик таъминоти, марказий иситиш ва канализация хизматлари кўрсатишда технологик нобудгарчиликларнинг чекланган нормативларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 январдаги 47-ф-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил бошқармаси ҳузурида ташкил этилган коммунал хизматларга тариф сиёсати бўйича доимий ишловчи ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда маҳаллий бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган уй-жой-коммунал хизматларга тарифлар, шунингдек коммунал хизматлар кўрсатувчиларга тарифлардаги фарқни қоплаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан доимий мониторинг олиб борилишини таъминласин.

5. Уй-жой-коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида уй-жой мулкдорлари ширкатлари, уй-жойлардан фойдаланиш хизматлари ва коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар:

счёт-квитанцияларда хизматларнинг ҳар бир тури қийматини алоҳида кўрсатган ҳолда аҳоли билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш;

фуқаролар томонидан уларнинг иш жойидаги иш ҳақидан тегишлича ушлаб қолиш йўли билан уй-жой-коммунал хизматлар учун ҳақ тўланишини ташкил этиш амалиётини кенг қўлласинлар.

6. Қуйидагилар суд даъволари бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин:

фойдаланиш харажатларига ва коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича қарзларни ундириб олиш тўғрисидаги даъволар бўйича — уй-жой мулкдорлари ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари;

тузилган шартномалар шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаслиги ёки сифатсиз бажарилиши туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъволар бўйича — уй-жой мулкдорлари ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари, шунингдек фуқаролар.

7. Белгилансинки, уй-жой мулкдорлари ва уй-жойни ижарага олувчилар:

коммунал хизматлар учун аванс сифатида тўланган тўловларга, ушбу даврда тегишли тарифлар кўпайган тақдирда қўшимча ҳақ тўлашдан озод этиладилар /ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган давр учун/;

мавжуд қарзлар улар томонидан 2001 йил 1 июлгача бўлган даврда тўланган тақдирда муддати ўтказиб юборилган тўловлар суммасидан пеня тўлашдан озод этиладилар;

уй-жой-коммунал хизматлар учун 2001 йил 1 январгача вужудга келган қарзларни "Индексация" махсус ҳисоб рақамларидан омонатларни муддатидан олдин олиш ҳисобига тўлашлари мумкин, ушбу маблағлар тегишли банк томонидан омонатчиларнинг белгиланган намунадаги тўлов топшириқномаси асосида нақдинасиз ҳисоб-китоб йўли билан уй-жой-коммунал хизматлар кўрсатувчи ҳамда электр энергияси етказиб берувчи корхоналарга ўтказилади.

8. Қуйидагилар:

Уй-жойнинг умумий фойдаланиладиган жойларига техник хизмат кўрсатиш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича намунавий шартнома (контракт);

Уй-жой-коммунал хизматларга ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Ўзкоммунхизмат" агентлиги ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари /маҳалла қўмиталари/ билан биргаликда:

Нукус шаҳрида, вилоят марказларида ва Тошкент шаҳрида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ходимлари ва аҳоли билан коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш, ширкатлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг аҳолига коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар билан ўзаро муносабатлари масалалари бўйича доимий ишловчи семинарлар ташкил этсинлар;

уй-жой-коммунал хизматлар учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш юзасидан коллектив масъулият тизими самарали фаолият кўрсатаётган туманларнинг тўпланган ижобий тажрибасини оммалаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарорга мувофиқ тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 18 апрел.

*Олий Мажлисда*

**Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Абдурафиқ Аҳадов бошқарган ушбу йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун талабларига ҳамда парламент фаолиятининг таркиб топган амалиётига мувофиқ Марказий банкнинг 2000 йилги фаолият якунлари ва республика Давлат бюджетининг 2000 ва 2001 йил биринчи чораги ижроси якунлари тўғрисидаги ҳисоботлар муҳокама қилинди.**

# Ҳар икки ҳисобот ҳам маъқулланди

Республика Марказий банки раиси Файзулла Муллажоновнинг ҳисобот беришича, мамлакатимизда муомалага нақд пул чиқариш ҳажми белгиланганидан 1,5 бандга кам бўлган. Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси жорий ва кутилаётган инфляция суръатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиб, йил мобайнида анча пасайган. Кредит сиёсати, асосан, ҳукумат томонидан тасдиқланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга доир инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Ўтган йили Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишни рағбатлантириш ва омонатчилар учун зарур кафолатларни таъминлаш борасидаги яхлит стратегиянинг ишлаб чиқилиши аҳолининг банкларга бўлган ишончини ортишига сабаб бўлди. Хусусан, ўтган йили омонатлар миқдори 2,5 баравarга ортиб, бугунги кунда 52 миллиард сўмни ташкил этаяпти.

Йиғилишда айрим тижорат банкларининг хорижий сармояларни жалб этишдаги иштироки сезилмаётганлиги ҳам айтиб ўтилди.

Молия вазири Мамаризо Нурмуродовнинг ҳисоботига кўра, Давлат бюджетининг 2000 йил якунлари бўйича даромадлари режага нисбатан 100,1 фоизга, 2001 йил биринчи чорак якунлари бўйича эса, 100,4 фоизга бажарилди. Хўжалик субъектларига солиқ юкини камайтириш бўйича ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорлар, жумладан, 2001 йилда даромад (фойда) солиғи ставкасини 31 фоиздан 26 фоизга тушириш корхоналарга ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўшимча маблағ йўналтириш имконини берди. Шунингдек, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатлари ҳам ошиб бормоқда.

Йиғилишда Марказий банкнинг 2000 йил фаолияти якунлари ҳамда Давлат бюджетининг 2000 ва 2001 йил биринчи чораги ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари маъқулланди.

**Эркин МАВЛОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мисрда юртимиз кунлари

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан Қоҳира ва Зақозиқ университетларида Ўзбекистон кунлари бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг мустақил тараққиё даврида ижтимоий-иқтисодий, маданий, илмий соҳаларда қўлга киритган кенг кўламли ютуқлари тадбирнинг диққат марказида бўлди.

Анжуман доирасида ҳар иккала олий ўқув юртида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи китоб ва рангли суратлар, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари шаҳарлардаги тарихий-меъморий ёдгорликлар ҳамда аждодларимиз қолдирган бошқа мерослар акс этган лазерли диск ва видеофильмлар, шунингдек, қўли гул уста ва ҳунармандларимиз яратган халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди.

**Б.ИРИСОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**
Қоҳира.

# Сиёсий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи жиноятчилар Ўзбекистонни ҳам ўз таъсир доираларига киритиш, мамлакатииз ҳудудидан бундай модда олиб ўтиш йўлларини очиш ва кенгайтириш учун уринаётгани сир эмас. Божхона хизматчилари ҳуқуқ-тартибот органлари билан бир қаторда, бундай жинояткорона ҳаракатларнинг олдини олишда фаол иштирок этяпти. Жумладан, ўтган уч ой ичида божхоначилар контрабандачилардан 7 килограмм 791 грамм гиёҳванд модда, 125,3 минг дона психотроп ҳапдори, 8360 ампула бупренорфин, шунингдек, 5 та ўқотар қуролни тортиб олди. Жиноятчилардан 66 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий валюта далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Божхоначиларнинг 500 дона диний-экстремистик руҳдаги адабиётларни мусодара қилгани турли оқимларнинг халқимизга ўз ғояларини сингдириш умиди ҳали сўнмаганидан дарак беради.

Жорий йилнинг дастлабки чорагида контрабанда, божхона қонунчилиги бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари юзасидан давлат божхона қўмитаси томонидан 250 та жиноий иш қўзғатилди. 3544 маротаба маъмурий жазо чоралари қўлланди. Таркибида жиноят аломатлари бўлган 33 иш юзасидан ҳужжатлар эса тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилди.

Тожикистон ва Афғонистондаги беқарор вазият, турмуш даражасининг пастлиги мазкур мамлакатлар фуқароларини чет давлатлардан бошпана излашга мажбур этмоқда. Бундай фуқаролар Ўзбекистон чегараларидан ўтишга ҳам ҳаракат қиляпти. Божхона ходимлари Афғонистоннинг чегараларимиздан ноқонуний тарзда ўтишга уринган, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган ёки виза тартибини бузган 109 нафар фуқаросини, тожикистонлик 611 кишини ушлаб, қонуний жазо кўриш учун уларни ички ишлар ва чегара қўшинлари бўлинмаларига топширди.

Ўзбекистонда қонун ҳужжатларини мукаммаллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар божхона тизимини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида божхона ишига оид қонунларни такомиллаштириш ҳамда божхона назорати механизмини соддалаштириш йўналишидаги ишлар айни пайтда жадал давом эттирилмоқда.

**(ЎзА).**

# Мустақиллик иншоотлари



*«Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти бинокорлари мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб олиш тараддудидалар. Айни пайтда улар Қоровулбозор туманида «Оналар ва болалар» шифохонаси қурилиш ишларини олиб боришаётир. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилаётган ушбу шифо маскани Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилади.*

***СУРАТЛАРДА:** шифохона қурилишининг умумий кўриниши; бинокор Рафиқ Ҳамидов.*

*Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.*

# Ҳукуматлараро комиссия мажлиси

**Тошкентда Ўзбекистон-Озарбойжон ҳукуматлараро комиссиясининг икки томонлама ҳамкорлик бўйича тўртинчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди.**

Ҳукуматлараро комиссиянинг ҳамраислари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Юнусов ҳамда Озарбойжон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Аббос Аббосов мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг бугунги аҳволи ҳақида сўз юритар экан, бу ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида дипломатик алоқалар 1995 йилда ўрнатилган эди. Сўнгра икки мамлакат президентлари фармонлари билан иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия ташкил этилди. Қўшма комиссиянинг вазифаси икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этиш, пировардида, мамлакатларимизнинг иқтисодий қудратини, халқларимиз фаровонлигини оширишдан иборат.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида халқ хўжалигининг кўплаб соҳаларида, жумладан, озиқ-овқат, кимё ва пластмасса, ёқилғи маҳсулотлари, техника ҳамда хизмат кўрсатиш борасидаги ҳамкорлик давом этмоқда. Аммо, мажлисда тўғри таъкидланганидек, иқтисодий алоқаларимиз ижобий томонга ўзгариб бораётган бўлса-да, эришилаётган натижалар ҳали мамлакатларимиз салоҳиятидан анча паст. Тадбир иштирокчилари масаланинг ана шу жиҳатига алоҳида эътибор қаратди ва мавжуд имкониятларни кенгроқ ишга солиш борасида ўзаро фикр алмашди.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Озарбойжон Республикаси ҳукумати ўртасида 2001-2010 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси билан Озарбойжон Республикаси ўртасида 2001-2006 йилларда фан, маданият ва санъат соҳасида ҳамкорлик дастури имзоланди. Ҳужжатларга Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Рустам Юнусов ва Озарбойжон Бош вазири биринчи ўринбосари Аббос Аббосов имзо чекди.

— Энг аввало, делегациямиз қардошларча меҳмондўстлик билан кутиб олингани учун Ўзбекистон раҳбариятига Озарбойжон ҳукумати номидан миннатдорлик билдираман, — деди, Озарбойжон делегацияси раҳбари Аббос Аббосов ЎзА мухбири билан суҳбатда. — Ўзбекистон билан Озарбойжон МДҲга аъзоликдан ташқари, ГУУАМ (Грузия, Ўзбекистон, Украина, Озарбойжон ва Молдова) иқтисодий ташкилоти доирасида фаолият олиб бормоқда. Халқаро ТРАСЕКА дастури бўйича Буюк ипак йўлини тиклаш лойиҳасида иштирок этаётир. Бундай алоқалар иқтисодий ҳамкорлигимизда жуда қўл келиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Қолаверса, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни кенгайтириш бўйича қатор ҳужжатлар имзоланган. Бу галги мажлисда имзоланган ҳужжатлар ҳам ана шу ҳамкорликни янада кенгайтиришни кўзда тутади ва халқларимиз манфаатларига хизмат қилади.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ директори А.Саидов билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бирга, мамлакатимиздаги ноҳукумат ва нотижорат ташкилотларининг мутасаддилари ҳам иштирок этди.**

# Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари борасидаги ютуқлари

Матбуот анжуманида А.Саидов Ўзбекистон ҳукумати томонидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасига тақдим этилган ҳисобот ҳақида сўзлади. Унинг маълум қилишича, мазкур қўмитанинг ўтган ой охирида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон ўзининг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича пакт борасидаги мажбуриятларини қай даражада бажараётгани кўриб чиқилган. Муҳокамада Ўзбекистон БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжатларига қўшилгани, бу соҳа бўйича миллий институтлар тузиб ривожлантираётгани, мамлакатдаги қонунларни халқаро ҳужжатларга мувофиқлаштираётгани, кўплаб йирик халқаро ташкилотлар, шунингдек, хорижий давлатлардаги ноҳукумат ташкилотлари билан яқин алоқалар йўлга қўйилгани ҳақида ижобий фикрлар билдирилган.

Таъкидланганидек, халқаро ҳужжатларга қўшилиш — ишнинг ярми. Уларга амалда риоя қилиш борасида Ўзбекистонда аҳвол қандай? Омбудсман идораси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ каби институтлар ишлаяпти, инсон ҳуқуқларини тарғиб-ташвиқ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ўтиш даврининг ўзига хос муаммолари, миллий хавфсизлик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлашдаги қийинчиликларга қарамай, инсон ҳуқуқлари борасида анчагина катта ютуқлар қўлга киритилди. Масалан, бу соҳада мамлакат миқёсида иш юритадиган уч юздан ортиқ, маҳаллий тоифадаги икки мингдан ортиқ ноҳукумат ташкилоти мавжуд. Диққатга сазовор томони шундаки, илгарилари бундай ташкилотлар асосан ҳукумат ёрдами билан тузилган бўлса, ҳозирги кунда аксар ҳолларда мустақил равишда ташкил этилмоқда. Улар орасида аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар кўпайиб бораётгани эса жамиятимизда аёлларнинг ўрни тобора кенгаяётганини кўрсатади.

Учрашувда С.Рашидова Омбудсман фаолияти ҳақида сўзлади. Унинг таъкидлашича, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили идораси ташкил этилганидан буён жами 11 мингдан зиёд шикоят олган. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида 5 минг ариза келиб тушган ва уларнинг 120 таси ижобий ҳал этилган. Омбудсман идораси инсон ҳуқуқлари поймол этилиши билан боғлиқ ҳолатларни мустақил текширмоқда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда ишламоқда. Унинг вакиллари тегишли одамлар билан суҳбатлар ўтказади. Идора ҳузуридаги эксперт қилувчи орган эса аризаларни ҳар томонлама текшириш, воқеаларни ўрганиш, таҳлил этиш ва тўғри хулоса чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**(ЎзА).**

*Тадбир*

# «Табиат чекмасин азият»

Кеча Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейда «Табиат чекмасин азият» мавзуида экологик тадбир бўлиб ўтди. Унда «Экология ва ёшлар», «Авесто»да экологик муаммолар», «Амир Темурнинг Боғишамолни пойтахт сифатида танлаши» мавзулари ўқувчилар талқинида ўз аксини топди. «Орол бизнинг тақдиримизда», деб номланган мультимедиа ҳам меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. «Оролни асрашни истасанг агар...» ўқув ўйини ҳозирги ёшларимизнинг зукколигидан далолат бериб турибди. Айниқса, экология мавзусидаги баҳс қизиқарлилиги билан барчани хушнуд этди.

**Маъсуда ЁҚУБОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*ЭЪТИБОР*

# Вояга етмаганлар

## сизу бизнинг фарзандимиз

**Уларнинг бугуни, эртаси, келажаги ҳақида қайғурмоқ ҳар биримизнинг бурчимиздир. Вилоят прокуратураси мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ўсмирларнинг ижтимоий аҳволини ўрганиш, иш билан таъминлаш ташаббуси билан чиқди. Маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда янги иш ўринлари ярмаркасини ташкил этди. Ғоят қисқа фурсат ичида минглаб ёшлар ўзларининг муқим иш жойига эга бўлди, — дейди Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари Нурмуҳаммад ҚУРБОНОВ.**

Дарҳақиқат, прокуратура идоралари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори ижроси юзасидан назорат ишлари олиб борилмоқда. Бу борада ўтказилаётган текширишлар натижасида жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар орасидаги умумий жиноятчилик камайишига эришилди. Улар орасидаги ҳуқуқбузарлик 458 тадан 337 тага камайди.

Вилоят прокуратурасида тузилган ишчи гуруҳи вилоятдаги вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи 20 та идоранинг бош мутахассислари ҳамкорлигида шу идораларнинг Шаҳрихон туманида фаолият кўрсатаётган қуйи бўғинларида дастурда кўрсатилган талаблар қай даражада бажарилаётганлигини ўрганиб чиқди. Мазкур текшириш якуни тумандаги барча масъул идораларнинг раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди, вояга етмаганларга оид қонунларнинг тўлиқ бажарилиши ва бу борадаги ишларни тубдан яхшилаш чора-тадбирларини кўриш ҳақида тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси назоратга олинди.

Шаҳрихон туманида вояга етмаган, ўқимай, ишламай юрганларни аниқлаш мақсадида вилоят прокуратураси ходимлари раҳбарлигида туман ҳокимлиги, бандлик, ижтимоий таъминот, халқ таълими бўлими, маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда бошқа мутасадди идораларнинг ходимлари иштирокида ишчи гуруҳи тузилди.

Гуруҳ олдига ҳар бир маҳалла, қишлоқ фуқаролари йиғинларида яшаётган вояга етмаганлар, уларнинг ижтимоий аҳволи, иш билан бандлиги масаласини ўрганиш ва улар яшаётган ҳудуддаги корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда хусусий корхоналарнинг аниқ рўйхатини тузиш вазифаси қўйилди.

Текширишларда туман ҳудудида ҳеч қаерда ўқимасдан ёки ишламасдан юрганлар сони 332 тани ташкил қилгани ҳолда, улар яшаётган қишлоқ, маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 1312 та корхона, муассаса, ташкилот ҳамда хусусий хўжалик юритувчи субъект мавжудлиги аниқланди. Уларнинг раҳбарлари билан суҳбат ўтказилганда, ўз корхоналарига ишчилар кераклиги ва ўзларидаги мавжуд ишчи ўринларига уларни ишга олишларини ҳамда келгусида шу касбга ўргатишни ўз зиммаларига олишни билдирдилар.

Шаҳрихон туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда иш ўринлари ярмаркаси ўтказдилар. Тадбирга вояга етмаганлар, уларнинг ота ёки онаси ҳамда ишга олувчи корхона, муассаса, ташкилотларнинг раҳбарлари таклиф қилинди.

Ярмарка қатнашчиларига прокуратура ходимлари томонидан ишга қабул қилиш тартиблари, вояга етмаганларнинг иш фаолиятидаги имтиёзлар ҳақида керакли тушунчалар берилди. Шу куни ишга қабул қилинган барча ўсмирлар билан ишга қабул қилувчилар ўртасида шартномалар тузилиб, уларга меҳнат дафтарчалари ёзиб берилиши таъминланди.

— Қизим Жамилахон «Антекс» ҳиссадорлик жамияти корхонасига ишга кирганидан хурсандман, — дейди Хўжаобод қишлоғида яшовчи Қундузхон ая Эргашева. — Ёшлар тақдирига, уларни иш билан банд бўлишига ёрдам берган Юртбошимизга, қолаверса, прокуратура, ҳокимлик идораларига раҳмат. Жамилахон тенгдошлари билан меҳнат қилиб, рўзғоримизга барака қўшади.

— Мен учун ғамхўрлик қилганлардан миннатдорман, дея сўзлади ўсмир Иззатбек Ҳусанов. — Ишли бўлдим. Энди ота-онамнинг ҳам кўнгли тўқ бўлади.

Шаҳрихондаги Навоий номли ширкат хўжалиги ўрамидаги фермерлар 10 нафар ўсмирни ишли бўлишига кўмак берди. Бу ёшлар келгусида фермер хўжаликлари, тадбиркорлик йўналишидаги кичик корхоналарнинг малакали меҳнатчилари бўладилар. Оиласига, давлатимизга иқтисодий фойда келтирадилар.

Ҳозирда барча шаҳар ва туманларда ўқимай, ишламай юрган вояга етмаганларни ишга жойлаштириш бўйича иш ўринлари ярмаркаси ўтказилмоқда. Вилоят прокуратураси ва Шаҳрихон туман ҳокимлиги ташаббуси билан бошланган ибратли тадбир кенг оммалашмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



## УЧ АСРНИ КЎРГАН ОНАХОН

*Таниқли суратқаш Рўзмат Жуманиёзов туширган ушбу суратда, азиз муштарийлар, сиз 110 ёшга тўлган хоразмлик муҳтарам она — Оқилхон момо Худойберди қизини эвара ва чеваралари қуршовида кўриб турибсиз.*

*Момо — уч асрнинг гувоҳи. Тирик тарих кўз ўнгимизда! XIX асрнинг 90-йиллари бошида Хоразмнинг Қоровул қишлоғида туғилган. Хива хони Ферузни қишлоқларига оқ саман отда аёнлари билан келганлигини кўрган. Оқпошша Хивани эгаллаганлигини эслайди. XX асрда, шўро замонида «Биз халқ ҳокимияти» деб, аслида, халқ бошига не-не синовларни солган кунларни, бир неча марта такрорланган очарчиликни, колхозга қарши чиқди деб қулоқ қилинганларни, «Халқ душмани» деб бегуноҳ қамалганларни, уруш йилларида эркаклар ўрнида колхознинг қора меҳнати аёллар зиммасига тушганини, ниҳоят, Худо ёрлақаб, аср охирида «Ҳуррият замони» келганлигини, эл-юрт омонлик, ҳурлик топганлигини, ҳатто Хиванинг улкан умр тўйида невcovаралари етагида бориб, Президент Ислом Каримовни ўз кўзи билан кўрганлигини биттабитта ҳикоя қилади.*

*— Ерни меҳнат, сув кўкартиради. Элни эса ҳуррият кўкартирар экан, болам, — дейди момо. — Ўзбекистон қайтадан ёшарди. Мен қари момонгизнинг ҳам қайтадан жоним кириб қолди. Мана, XXI асрни ҳам кўрдим. Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов мени табриклаб совға жўнатиб, бошимни осмон қилдилар. Илоҳим, у кишининг ҳам боши доим осмон бўлиб юрсин, — дейди Оқилхон момо дуога қўл очиб.*

*Яқинда Оқилхон момонинг ҳовлиси эл ёшуллилари, қариндош-уруғлар, невара-чеваралар билан тўлиб кетди. Улар табаррук онани 110 ёши билан қутладилар.*

*Ватан истиқлолининг 10 йиллигини онахон тўрт мучаси соғ-саломат, бардам кайфият билан кутиб олмоқда. Юздан зиёд невара-чеваралар момони бир лаҳза ҳам ёлғиз қолдирмайди.*

*Элнинг дуоси билан яшаётган, юрт мустақиллиги томирига қувват бағишлаган нуроний онахонга бардамлик, узоқ-умр, янги асрда гаштли ҳаёт тилаймиз.*

**М. САФАРОВ.**

*Осиё чемпионати арафасида*

# Паҳлавонлар беллашар бунда

Элимнинг байрамлари кўп. Ҳар бирининг ўзгача гашти, завқи бор. Айниқса, катта спорт байрамларининг сурури бўлакча. Мустақиллигимизнинг ўнинчи баҳорини қарши олган халқимиз апрелнинг сўнгги декадасини интизорлик билан кутмоқда. Зеро, футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг ажойиб чарм тўп спектаклларига қитъамизнинг энг номдор полвонлари баҳсларининг уланиб кетиши бундай оммабоп тадбирлар тинч-осойишта юртга ярашишидан даракдир.

Ҳа, ўзбек кураши қисқа фурсат ичида дунёга чиқди. Олис хориждаги халқ ва элатларнинг севимли спорт турига айланди. Икки марта жаҳон чемпионати юксак савияда ташкил этилди. 28-29 апрел кунлари бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё чемпионати ҳам мухлисларга олам-олам шавқ бағишлаши шубҳасиз. Унда 20 га яқин давлатдан кучли курашчилар иштирок этади. Ўзбек курашининг жаҳонда тобора оммавийлашиб бораётганини ҳисобга олган Осиё олимпия қўмитаси мутасаддилари миллий спортимизни Осиё ўйинлари дастурига киритиш масаласини кўриб чиқиш учун мусобақа кунлари Тошкентга келишади.

Халқаро кураш ассоциацияси матбуот хизматидан олинган маълумотларга қараганда, ўзбек кураши Европани "забт" этишда давом этмоқда. Яқинда Буюк Британиянинг Нортамптон шаҳрида Англия иккинчи чемпионати бўлиб ўтди. Унда 9 ёшдан 54 ёшгача бўлган 70 дан ортиқ спортчилар иштирок этишди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланишди. Мусобақанинг энг яхши курашчилари деб топилган Сэм Дэлахай ва Кай Андрюс Ўзбекистоннинг ушбу мамлакатдаги элчихонасининг махсус совринига эга бўлишди.



— Мазкур чемпионат шу йил ёзда Лондон шаҳрида ўтказиладиган Ислом Каримов номидаги халқаро турнир олдидан муҳим тайёргарлик босқичини ўтади, — дейди Буюк Британия кураш ассоциацияси президенти Тим Томас.

Шундай қилиб, полвонларнинг ўз рақибини даст кўтариб ерга уришининг, муросасиз беллашувларнинг бевосита гувоҳи бўламан десангиз, кейинги ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари пойтахтимиздаги "Юнусобод" спорт мажмуига ташриф буюришни унутманг. Ўзбек кураши — бизнинг курашимиз.

**Озод БЕК,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Кўчма кубок — Қашқадарёга кетди

**МХСК спорт мажмуида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг кўчма кубоги учун ўзбек кураши бўйича II республика турнири бўлиб ўтди.**

**Гиламга чиққан полвонлар 70, 81 90 ва 90 килограммдан юқори вазн тоифаларида ўзаро беллашдилар. Ҳар бир полвон ўз корхонаси, вилояти шани учун курашди. 18-35 ёшлилар ўртасида 73 кг вазн тоифасида Бухоро вилояти вакили Абдулла Саидов биринчи ўрин соҳиби бўлди. 36-45 ёшлилар ўртасида (73 кг) қашқадарёлик Ботир Боймуротов шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти вакиллари биринчи, Бухоро иккинчи, Тошкент вилояти курашчилари учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.**

## ЗУККО—Ю ЧАҚҚОНЛАР

Фарғона шаҳридаги болалар боғчалари тарбияланувчилари ўртасида «Ким енгилу, ким чаққон?» беллашувлари ўтказилди. Танловнинг «Ўзбекистон Ватаним маним» деган шартига кўра тарбияланувчилар ўз қўшиқ ва шеърлари, дилрабо рақсларида мустақил юртимизни мадҳ этдилар. Танлов спорт беллашувлари билан янада файзли ўтди.

Ғолиблар ҳомийлар томонидан тақдим этилган совғалар, ширинликлар билан сийланди.

**Набижон СОБИР.**

## Мусулмонларнинг туҳфаси

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланиши муносабати билан ноёб тарихий обидалар сифатли таъмирдан чиқариляпти.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси таъмирланаётган ал-Ҳаким ат-Термизий ва Султон Саодат тарихий обидаларига ва вилоят ҳудудидаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш учун ёрдам сифатида тўрт миллион сўмлик чекни вилоят ҳокимлигига топширди.

**«Туркистон-пресс».**


РЕСПУБЛИКА МИЛЛИЙ ЛИЦЕЙИ

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Лицейга 9-синф ҳажмида билимга эга бўлган ўғил-қизлар республиканинг барча шаҳар ва қишлоқларидан қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади:

1. Физика-мат**е**татика;
2. Иқтисод;
3. Химия-биология;
4. Ижтимоий-гуманитар.

Маълумот учун телефонлар: 152-63-55, 152-67-66, 55-66-17.

Вақтни бой берманг, шошилинг.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ш.Руставели кўчаси, 25-уй. Мўлжал: «Океан» дўкони қаршисида. 4, 9, 26, 28-трамвайлар, 3, 38, 57, 58, 67-автобусларнинг «Бобур боғи» бекати.

4083



ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ

АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА

қабул эълон қилади.

**Аспирантурага:** Тупроқшунослик ва агрокимё ихтисосликлари бўйича.

**Докторантурага:** Тупроқшунослик ихтисослиги бўйича.

*Қабул муддати эълон чиққан кундан бошлаб - 1 ой.*

Қабул «Узлуксиз таълим тизимида илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш тўғрисидаги низом» асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: 46-07-23, 46-09-50.

4080



«ҚАДОҚМАШАВТОМАТ» КБ

газланган менерал сувларни ПЭТ-бутилкаларга қуювчи ускуналар жамланмасини тайёрлашга

Буюртма олишни давом эттиради.

шунингдек, қуйидаги жиҳозлар СОТИЛАДИ:

- Червякли пресс ЧП 63-30 (экструдер).
- Металл қирқувчи ва ёғоч ишловчи ускуналар.
- Чилангарлик верстаклари.
- Кийим учун металл шкафлар.

Тошкент ш., Бобур кўчаси, 77-уйга мурожаат этинг. Тел.: 55-14-70, 55-14-37.

4072


## Ҳамюртларимиз Америкага боришади

**Халқаро таълим бўйича Америка Кенгаши АКСЕЛС томонидан эълон қилинган «Инглиз тили ва америкашуносликни ўқитишда аълочилик мукофоти» танловининг иккинчи босқичи якунланди.**

**Унда 50 нафар ҳамюртимиз АҚШга етти ҳафталик семинарда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.**

**А.АЛИЕВ.**


SAVDOGAR BANK

САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

«САВДОГАР»

бошқаруви хабар қиладики, банк валюта айирбошлаш шохобчалари орқали чет эл ва МДҲ мамлакатларига кетаётган резидентларга амалда белгиланган тартибда нақд чет эл валютасини сотиш операцияларини амалга оширмоқда. Валюта айирбошлаш операциялари амалга оширилган хизмат учун воситачилик ҳақи олинмайди.

Мижозлардан талаб қилинадиган ҳужжатлар:

1. *Паспорт ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат.*
2. *Дунёнинг барча мамлакатларига чиқиш учун рухсатнома ва чиқилаётган давлатнинг визаси (БАА, Бахрайн, Малайзия, Таиланд, МДҲ мамлакатлари бундан мустасно).*
3. *Авиа ёки темир йўл чиптаси.*

Валюта айирбошлаш шохобчаси манзили:
*Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 17-уй.*
*Мўлжал: «Зарафшон» ресторани биноси.*

4090



АСТМА ?

*Сиз фаол турмуш тарзини юритаяпсизми?*
*Ҳамма вақт аэрозол дорисига боғланиб қолмадингизми?*

Танишинг: Астил

Сальбутамол таблеткалари - 4 мг.



Астил бу:

- *Бронхиал астма, сурункали бронхит ва ўпка эмфиземасини профилактик даволаш.*
- *Астмани даволашда самарали ва арзон восита.*
- *Сиз энди қимматбаҳо аэрозол дориларига эҳтиёж сезмайсиз.*
- *Астма касаллигидан астил билан шифо топинг.*

Янада тўлиқроқ маълумот олиш учун шифокор билан маслаҳатлашинг.

5 x 10 ТАБЛЕТОК
Таблетки Сальбутамола Б.Ф. 4 мг
ASTHYLUM® АСТИЛ® ASTIL®
Изготовлено в Узбекистане в СП. ГУФИК - АВИЦЕННА, БУХАРА, ул. Намозгох, 74

Гуфик - Авиценнанинг сифатли дори-дармонлари.

ГУФИК АВИЦЕННА, тел.: (365) 2261730, факс: (365)2261411, Бухоро ш.
ГУФИК ЛТД, тел.: (3712)68-93-40, факс: (3712)68-24-29. Тошкент ш.



ТЕДИН® ТЕДИН®

ДОРИСИГА ИШОНИНГ

- Аллергиянинг турли кўринишларидан бир зумда халос қилади.
- Аллергияни даволашда самарали таъсир кўрсатади.
- Бунинг учун кунига икки маротаба биттадан таблетка истеъмол қилиш кифоя.



Мавсумий аллергик ринитлар

Аллергик дерматозлар

Атопик астма дермографизм

Сурункали крапивница

2 x 10 ТАБЛЕТОК
Таблетки Терфенадина Ф. США. 60 мг
ТЕДИН®

Гуфик - Авиценнанинг сифатли дори-дармонлари.

Янада тўлиқроқ маълумот олиш учун шифокор билан маслаҳатлашинг.

ГУФИК АВИЦЕННА, тел.: (365) 2261730, факс: (365)2261411, Бухоро ш.
ГУФИК ЛТД, тел.: (3712)68-93-40, факс: (3712)68-24-29, Тошкент ш.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва Олий Мажлис аппарати жамоаси Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа қўмитаси раисининг ўринбосари С. Солиевга ўғли

**ЭЛМУРОДнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Нашриётлар ва оммавий ахборот воситалари бошқармасининг бошлиғи Жаббор Раззоқовга отаси

**Раззоқ ЖАББОРОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва «Хўжалик ва ҳуқуқ» журнали жамоалари Олий хўжалик судининг судьяси, журнал таҳрир ҳайъати аъзоси Исмоилжон Анортоевга рафиқаси

**Дилбар АНОРТОЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси шу қўмита аъзоси, Олий Мажлис депутати А.Мўминовга волидаи муҳтарамаси

**ҲИДОЯТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг бошқарма бошлиғи Жаббор Раззоқовга отаси

**Раззоқ ЖАББОРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси бошлиғи Аслиддин Ишпўлатовга волидаи муҳтарамаси

**МУҲАББАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия медицина институти раҳбарияти ва меҳнат жамоаси Нормал анатомияси кафедрасининг собиқ мудири, доцент, меҳнат фахрийси, соғлиқни сақлаш аълочиси

**Рашидхон АЛАВИЙнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 2315, 26639 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ.
Навбатчи — Д. ТУРҒУНОВА.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 22.50*
1 2 3 4 5 6